

5/2022,
sentyabr-
oktyabr
(№ 00061)



МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Абдуллаева Матлуба Нематовна

Тошкент давлат транспорт университети доценти, и.ф.н., Тошкент, Ўзбекистон. matluba77@yandex.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a20

Аннотация

Бозор иқтисодиётининг трансформацияси тобора кўпроқ унинг илғор технологияларини жорий этиш ва янги бозорларни ўзлаштириш, билим яратиш ва инсон тажрибасини ошириш қобилиятига боғлиқ. Ички ва ташқи бозорларда рақобат устунликларига эришиш учун унинг салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишга имкон берадиган тўғри танланган стратегияни амалга ошириш лозим. Маълумки турли мамлакатлардаги компанияларнинг стратегик режалаштириш жараёни ўзига хос томонлари мавжуд. Ушбу жараён рақобатбардошликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш гарови сифатида хизмат қилади. Мақолада ривожланган мамлакатлар компанияларининг стратегик режалаштириш концепциялари тадқиқ этилган.

Шу билан бирга мақолада жаҳоннинг етакчи пўлат ишлаб чиқарувчи мамлакатларда пўлат ишлаб чиқариш динамикаси, уларнинг рейтинги ҳамда ушбу мамлакатларнинг етакчи пўлат ишлаб чиқарувчи компанияларининг ривожланиш стратегиялари, мақсад, вазифалари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон ва хорижий металлургия компаниялари ривожланиш стратегияларининг қиёсий таҳлили ўтказилган.

Калит сўзлар. Ривожланиш стратегияси, металлургия компаниялари, стратегик режалаштириш, пўлат, рақобатбардошлик, диверсификация, инновацион технологиялар, ресурслар, маҳсулот рақобатбардошлиги, тежамкор технологиялар.

Аннотация

Трансформация рыночной экономики все больше зависит от ее способности внедрять передовые технологии и осваивать новые рынки, создавать знания и улучшать человеческий опыт. Для достижения конкурентных преимуществ на внутреннем и внешнем рынках необходимо реализовать правильно выбранную стратегию, которая позволит максимально использовать ее потенциал. Известно, что процесс стратегического планирования компаний в разных странах имеет свои особенности. Этот процесс служит гарантией обеспечения и укрепления конкурентоспособности. В статье рассматриваются концепции стратегического планирования компаний развитых стран.

Вместе с тем в статье анализируется динамика производства стали в ведущих сталеплавильных странах мира, их рейтинг, а также стратегии развития, цели и задачи ведущих металлургических компаний этих стран. Также представлен сравнительный анализ стратегий развития узбекских и зарубежных металлургических компаний.

Ключевые слова. Разработка стратегии, металлургические компании, стратегическое планирование, сталь, конкурентоспособность, диверсификация, инновационные технологии, ресурсы, конкурентоспособность продукции, берегающие технологии.

Abstract

The transformation of the market economy increasingly depends on its ability to introduce advanced technologies and master new markets, create knowledge and improve human experience. In order to achieve competitive advantages in the domestic and foreign markets, it is necessary to implement a properly chosen strategy that will allow to make the maximum use of its potential. It is known that companies in different countries have their own specific aspects of the strategic planning process. This process serves as a guarantee of ensuring and strengthening competitiveness. The article examines the concepts of strategic planning of companies of developed countries.

At the same time, the article analyzes the dynamics of steel production in the world's leading steel-producing countries, their rankings, as well as the development strategies, goals and objectives of the leading steel companies in these countries. A comparative analysis of development strategies of Uzbek and foreign metallurgical companies was also conducted.

Key words. Development strategy, metallurgical companies, strategic planning, steel, competitiveness, diversification, innovative technologies, resources, product competitiveness, sustainable technologies.

Кириш

Маълумки турли мамлакатларда стратегик режалаштириш ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, АҚШ металлургия компанияларидаги асосий жиҳат – барча бўлинмаларнинг стратегияларини бирлаштириш ва ресурсларни тақсимлаш; Британия компанияларида – ресурсларни тақсимлашга йўналтирилганлик; Япония компанияларида – инновацияларни татбиқ этиш ва қарорлар сифатини яхшилашга эътибор қаратиш ҳисобланади.

Жаҳон бозорида АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг металлургия компаниялари ўртасида ўз маҳсулотларини сотиш бўйича рақобат кучайиб бораётган бир пайтда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга, шу жумладан харидорлар талабини энг юқори даражада қондиришни таъминлайдиган сифат ва нархни яхшилашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Саноат корхоналари, хусусан металлургия корхоналари ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва ишлаб чиқиш бўйича бир қатор иқтисодчи олимлар тадқиқотлар ўтказишган, ҳамда «стратегия»га таърифлар беришган. Жумладан, С.В. Свиридова, Е.А. Ильиналар «Стратегия - бу корхонанинг асосий мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилган, шунингдек, ташкилот ривожланишининг умумий йўналишини, рақобат усуллари ва атроф-муҳитдаги ўрнини кўрсатадиган, ҳамда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олган узоқ муддатли, батафсил режадир»[1].

А.В. Китманов ўз тадқиқотида саноат корхонасининг барқарор ривожланиши нуқтаи назаридан молиявий стратегиянинг иқтисодий моҳияти ва концепциясига ойдинлик киритади; натижада барқарор ривожланишга йўналтирилган саноат корхонасининг молиявий стратегиясини шакллантиришнинг услубий асосларини белгилайди ва тизимлаштиради; барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан саноат корхонасининг молиявий стратегиясини шакллантиришга таъсир қилувчи хусусиятлар ва омилларни очиб беради[2].

А.Б. Вишнякованинг фикрича - саноат корхонасининг барқарор ривожланиш стратегияси иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи асосида шаклланади, уларнинг ёрдамида саноат корхонаси нафақат ўзгарувчан шароитларга бардош бера олади, балки тўғри прогноз қилиш ва ўз фаолиятини оқилона режалаштиришга имкон беради[3].

Н.В. Шестерникова, муаллифнинг фикрига кўра, корхонанинг умумий стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган корхонанинг барқарор ривожланиш стратегияси ушбу корхонада замонавий иқтисодий воситалар ва технологиялар мажмуаси мавжуд бўлган шароитда, у иқтисодий ташкилий маданиятга эга бўлади. Яъни, муаллиф корхонанинг барқарор ривожланиши тўғридан –тўғри ташкилий маданият билан боғлиқ деб ҳисоблайди[4].

Шу билан бирга баъзи олимларнинг фикрича, жумладан муаллиф В.Ю. Ерохин корхонанинг стратегияси бошқарув ёндашувларига асосланган тизимли, вазиятли, жараёнли тамойиллар асосида ишлаб чиқилади деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда корхоналар ресурслари чекланганлиги, мавжуд ташқи муҳит шароитида уларнинг барқарор ривожланишига замин яратиш имкониятларини берадиган стратегияни ишлаб чиқиш бошқарувнинг асосий муаммоси шаклида намоён бўлмоқда[5].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари стратегик режалаштириш муаммолари бўйича ўз тадқиқотларини олиб борган иқтисодчи олимларнинг берган таърифлари, ҳамда хулоса ва таклифларига асосланади. Ушбу масалаларни ҳал қилишнинг услубий асосини стратегик ривожланиш концепцияси ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида хорижий металлургия корхоналарининг салоҳиятидан келиб чиқиб ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш шарт-шароитлари ўрганилди. Хорижий манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида республика ва етакчи хорижий металлургия компаниялари ривожланиш стратегияларининг қиёсий таҳлили ўтказилди.

Ҳозирги босқичда асосий масала компаниянинг умумий фаолияти эмас, балки унинг рақобатли бозор сегментида – мазкур тармоқда ёки унинг соҳасида тутган ўрнидир. Бундай сегментлар стратегик хўжалик юритиш марказлари деб аталади. Шундай қилиб, йирик АҚШ компанияларида стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун фирманинг ташкилий тузилишига мос келмайдиган бошқарув тузилмаси яратилди. Ишлаб чиқариш бўлимлари бу марказларга сотиш бозорларининг умумийлиги, маҳсулотларнинг бир хиллиги ва ўзаро алмашинувчанлиги; уни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш учун ресурслар билан таъминланганлик; соҳаси ва салоҳияти бўйича ўхшаш рақобатчиларнинг мавжудлиги каби хусусиятларга кўра киритилади. АҚШ металлургия компанияларида стратегик хўжалик юритиш марказларининг сони ишлаб чиқариш бўлимлари сонидан анча кам. Масалан, компанияда 37 та стратегик хўжалик юритиш марказларига бирлаштирилган 110 та ишлаб чиқариш бўлимлари бўлиши мумкин.

Мисол учун, General Electric компаниясида ташкил этилган ўз истиқболли режалаштириш тизимининг хусусияти – бу барча ишлаб чиқариш бўлимларининг, шу жумладан заводлар гуруҳлари ва савдо фирмаларининг стратегик марказлар ўртасида тақсимланишида ушбу марказларнинг нафақат белгиланган мақсадни

режалаштириш ва амалга ошириш учун, балки якуний натижа – фойда олиш учун масъул бўлишидир.

Йирик диверсификация қилинган компания, одатда маҳсулотнинг хусусиятига қараб бир вақтнинг ўзида турли стратегияларни қўллайдди. Масалан, Япониянинг Hitachi фирмаси маиший электр техникасини ишлаб чиқариш учун хорижий филиаллардан фойдаланади: оғир электр ускуналарини экспорт қилади ёки уни ишлаб чиқариш учун лицензиялар сотади; лойиҳалаш ва қурилишга буюртмалар асосида бутун корхоналарнинг мураккаб технологик ускуналарини сотади [6].

Рақобат кураши стратегиясини қўллашга мисол тариқасида Япониянинг Mitsui Engineering & Shipbuilding Co кemasозлик компаниясини келтириш мумкин [7]. У Япониянинг энг рақобатбардош компанияларидан биридир. Ушбу компаниянинг ривожланиш истиқболларини асослаш қўйидагиларни назарда тутлади:

- биринчидан, йирик, тежамкор ва стандартлаштирилган кемаларни яратиш. Унинг рақобатбардошлик омилларига нефт, темир рудаси, кўмир ташиш ҳажмининг ўсиши сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жаҳон бозори талабларига жавоб бериши; кемаларнинг қисқа муддатларда қурилиши (техник ишланмалар, конструкциялаш ва лойиҳалаштириш учун бир йил, қурилиш учун - олти ой ажратилади);

- иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг янги усулларида фойдаланиш: конструкциялаш ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришни, шу жумладан уларга бўлган эҳтиёж ЭХМ ёрдамида ҳисобланадиган хом ашё ва эҳтиёт қисмларни ҳам ЭХМ ёрдамида режалаштириш, бунинг натижасида пўлат прокат захиралари атиги бир ҳафта учун мўлжалланади (Ғарбий Европа компанияларида - уч ойга тенг);

- учинчидан, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш. Кемаларга бўлган талабнинг беқарорлиги сабабли, умуман компания бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини, сотиш ва фойда даражасини барқарорлаштириш учун фирма ўз маҳсулотларини диверсификация қилди ва металл конструкциялари, йирик дизеллар, металлургия иситиш печлари ва совутиш қурилмаларини ишлаб чиқариш, корхоналар қуриш каби технологик турдош тармоқларга кириб борди. Ҳозирда кemasозлик сотувлар ҳажмининг атиги 30 фоизини ташкил қилади;

- тўртинчидан, тўғри ишлаб чиқилган стратегия - капитални жалб қилган ҳолда ускуналарни кенгайтириш ва модернизациялашга сармоя киритишни кўзда тутлади (ўз капиталининг умумий активлардаги улуши 11 фоизни ташкил қилади), ёш малакали мутахассисларга – университет битирувчиларига таяниш (ўрта бошқарув бўғинининг 1/5 қисмига қадар).

Германияда стратегик режалаштириш фаолият соҳаларини таҳлил қилиш ҳамда кучли ва заиф томонларини баҳолаш; стратегияни таърифлаш (ходимлар, ресурслар, тадқиқотлар ва ишланмалар, ишлаб чиқариш, технология, бошқарув, ахборотни қайта ишлаш, менежмент, молия, бозорлар); устуворликлар каби масалаларни кўриб чиқишни ўз ичига олади.

1 – жадвалда етакчи хорижий металлургия компанияларининг ривожланиш стратегияларининг мақсади ва устувор вазифалари келтирилган [8].

Жаҳонда етакчи хорижий металлургия компанияларининг ривожланиш стратегияларининг таснифи

Компания	Жаҳон рейтингдаги ўрни	2018 й. пўлат эритиш, %	Жаҳон пўлат ишлаб чиқаришидаги улуши, 2018 й., %	Стратегия
ArcelorMittal (Люксембург)	1	96,42	5,33	Мақсад – металлургия ва тоғ-кон саноати корхоналари орасида жаҳон етакчисига айланиш. Компаниянинг тўртта стратегик устувор йўналиши: - хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш (ишда жароҳатлар ва ўлим ҳолатларининг нолга тенглигига эришиш); - молиявий мақсадларга эришиш; - 2022 йилга мўлжалланган стратегик ҳаракатлар режасини амалга ошириш; - компания фаолиятида барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш.
China Baowu Steel Group Corporation Limited (Хитой)	2	67,43	3,73	Стратегик қарар - халқаро металл ва пўлат бозорида етакчи ва бизнес конгломерати бўлиш дунё миқёсида. Стратегия - асосий фаолият тури сифатида металл ва пўлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек мувофиқлаштирилган ўзаро боғлиқ фаолиятни ривожлантириш.
Nippon Steel Corporation (Япония)	3	49,22	2,72	Стратегик устувор вазифалари: - хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни бузилишини олдини олиш билан боғлиқ барча мумкин бўлган чораларни кўриш; табиий офатларни бартараф этиш, сифат талабларига мувофиқлиги; - ишлаб чиқариш базасини тиклаш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан асосий объектларни реконструкция қилиш; аппарат ва дастурий таъминот, операцион муаммоларнинг олдини олиш, иш жойларида раҳбарларни чизиқли бошқарувини кучайтириш ва ўрганиш ва ривожланишни яхшилаш ташаббусларни амалга ошириш; - хорижий бизнеснинг фойдалилик даражасини ошириш; талаб ўсиши учун юқори салоҳиятга эга бозорларга эътибор қаратиш, шунингдек, компания технология ва маҳсулотлар соҳасида ўзининг афзалликларидан фойдаланиши мумкин бўлган соҳаларда; - бизнесни ўзгартириш, стандартлаштириш ва иш услубларини ўзгартиришга кўмаклашиш. <i>Асосий мақсад</i> - энг замонавий ахборот

				технологиялари фаол қўлланилиши мумкин бўлган иш муҳитини яратиш. Бу ҳосилдорлик ва рақобатбардошликни оширишга олиб келиши керак.
HBIS Group (Хитой)	4	46,80	2,59	<i>Стратегик нигоҳ</i> - пўлат саноатида энг рақобатбардош компания бўлишдир. <i>Тамойиллар</i> - бизнеснинг глобаллашуви ва бутун ишлаб чиқариш занжири устидан назорат. <i>Мақсад</i> - жаҳонга машҳур бренди асосида глобал конгломерат қуриш. Металлургия бизнесини оптималлаштириш ва мустақамлаш орқали компания замонавий саноат ва молиявий хизматлар, шунингдек, рақамли технологияларни ривожлантиришга интилади. "Глобал ресурс, глобал бозор, глобал мижоз" фалсафаси орқали, компания маркетинг ва илмий-тадқиқот платформалари ва глобал ишлаб чиқариш платформасини глобал қурилишини жадаллаштиришга интилади. Компания тўғридан-тўғри ёки билвосита умумий қиймати қарийб 9 миллиард долларлик 70 дан ортиқ хорижий компанияларни назорат қилади. HBIS Group Хитойнинг энг интернационал пўлат компанияси ҳисобланади.
POSCO (Жануби й Корея)	5	42,86	2,37	Стратегик устувор йўналишлар: - қиймат занжирини кенгайтириш; - келажакнинг истиқболли соҳаларига сармоя киритиш; - истиқболли географиялар доирасини кенгайтириш; - самарали экотизим яратиш (инновациялар ва коммуникациялар кесимида).

Шу билан бирга биз юқорида келтирилган маълумотларга таяниб 2-жадвалда республикамиз металлургия корхоналари ва етакчи хорижий металлургия компанияларининг ривожланиш стратегиялари, мақсад ва вазифалари ҳамда ўхшаш томонлари бўйича таҳлил ўтказдик. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ўхшаш томонлар асосан харажатларни камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда атроф – муҳитни зарарли чиқиндилардан асраш ва бошқалардан иборатдир.

2-жадвал

Ўзбекистон ва хорижий металлургия компаниялари ривожланиш стратегияларининг қиёсий таҳлили

Ўзбекистон Республикаси металлургия корхоналари	Ўхшаш томонлари	Хорижий металлургия компаниялари
<i>Мақсад</i> - металлургия ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, ташқи бозорда рақобатбардошликка	– меҳнатнинг хавфсиз муҳитини таъминлаш (ишлаб чиқаришдаги	<i>Мақсад</i> - <i>Халқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилиш ва глобал кенгайтириш:</i>

<p><i>эришиш, ички бозорни ривожлантириш:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - металлургиянинг хом ашё ва энергия билан ишлаб чиқариш буйича ўзини ўзи таъминлаш даражасининг ошиши; - ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш; - технологик агрегатлар, IT инфратузилмаси ва бошқарув тизимларини модернизация қилиш; - ассортиментни кенгайтириш ва металл буюмлар сифатини ошириш; - хизмат кўрсатиш ва сотиш, и ривожлантириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; - ички бозорда устувор сегментларда ўз позицияларни мустаҳкамлаш; - ходимларни рағбатлантириш ва фаоллигини ошириш; - инвестицион жозибadorлигини ошириш; - акциядорлар учун даромадни максимал даражада ошириш (доимий равишда юқори дивидендлар). 	<p>жароҳатлар ва ўлим ҳолатлари камайтириш);</p> <ul style="list-style-type: none"> – атроф-муҳитда зарарли таъсирларни камайтириш; – харажатларни камайтириш; – молиявий барқарорликни таъминлаш – юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш 	<ul style="list-style-type: none"> - барқарор ривожланиш мақсадларини бизнесга интеграциялаш; - халқ хўжалигини саноатлаштиришда иштирок этиш (Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон компаниялари); - режаларни амалга оширишга кўмаклашиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши (Хитой, Эрон давлат компаниялари); - инновацион технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий ривожланишга эришишга имконият яратиш; - чет эл металлургия корхоналари билан стратегик ҳамкорлик; - металлургия билан боғлиқ бўлмаган корхоналарни ривожлантириш (Хитой, Ҳиндистондан конгломератлар); - пўлатга бўлган талабнинг пасайиши даврида бизнеснинг барқарорлигини ошириш
--	--	--

Манба: муаллиф томонидан ишлаб тузилган

Тадқиқот таҳлили ва натижалари

Шу билан бирга, дунёнинг ривожланган мамлакатларида пўлат ишлаб чиқариш динамикасини янада чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, пўлат – мамлакатнинг иқтисодий қудратини белгиловчи энг муҳим маҳсулотлардан биридир. Пўлат қуйиш корхоналари оғир саноатни ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг энг йирик сегменти ҳисобланади.

Бутунжаҳон пўлат ассоциациясига (Worldsteel) ҳисобот берувчи дунё мамлакатлари томонидан пўлат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилда бир оз ошди. Йиллик ишлаб чиқариш маълумотлари шуни кўрсатдики, ассоциацияга ҳисобот тақдим қилган 64 мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан деярли 3,5% га ошди. 2021 йилда бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган пўлатнинг деярли 99 фоизи ушбу мамлакатларга тўғри келади[9].

Қуйидаги 3 – жадвалда 2015-2021 йилларда ўнта етакчи пўлат ишлаб чиқарувчи мамлакатларда пўлат ишлаб чиқариш маълумотлари келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, 2018 йилда жаҳонда пўлат ишлаб чиқариш 1,786 млрд тоннани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 1,849 млрд тоннани ташкил этади. Хитой жами 1053,0 млн тонна

пўлат ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлиб, жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган пўлатнинг 54% дан ортиғи Хитойга тўғри келади.

3 –жадвал

Дунёда пўлат ишлаб чиқариш динамикаси (млн. тоннада)[11]

№	Мамлакатлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1	Хитой	803,8	807,6	870,9	928,3	996,3	1053,0	1 032,8
2	Ҳиндистон	89,0	95,5	101,5	109,3	111,2	99,6	118,1
3	Япония	105,1	104,8	104,7	104,3	99,2	83,2	96,3
4	АҚШ	78,8	78,5	81,6	86,6	87,9	72,7	86,0
5	Россия	70,9	70,5	71,5	72,0	71,6	73,4	76,0
6	Жанубий Корея	69,7	68,6	71,0	72,5	71,4	67,1	70,6
7	Германия	42,7	42,1	43,3	42,4	39,7	35,7	40,1
8	Туркия	31,5	33,2	37,5	37,3	33,7	35,8	40,4
9	Бразилия	33,3	31,6	34,8	35,4	32,2	31,0	36,0
10	Эрон	16,1	17,9	21,2	24,5	31,9	29,0	28,5
11	Ўзбекистон	0,643	0,654	0,654	0,646	0,625	1,0	-

4-жадвалда 2021 йилда пўлат ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар рейтинги келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, 2021 йилда Хитойда пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 1032,8 млн тоннани кўрсатди. Аммо бу кўрсаткич 2020 йилга қараганда 3% га кам бўлди. 2020 йил ушбу мамлакатда пўлат қўйиш ҳажми 1053,0 млн тонна ташкил қилган. Бундай ўзгаришларга сабаб газ ва кўмирнинг нархи ошиб кетганлиги туфайли вужудга келган энергетика инқирози бўлди. 2021 йилнинг иккинчи ярмида Европанинг қатор корхоналари электр энергиясига нархлар ошиб кетганлиги учун фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлди. Айнан шу вақтда Хитойда ҳам кўмир етишмаслиги электр энергиясининг тақчиллигига олиб келди.

Ушбу йилда Хитойнинг жаҳон пўлат ишлаб чиқаришидаги улуши салкам 53% ни ташкил қилди. Россиянинг 2021 йилда пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 76 млн.тоннага етди, жаҳондаги пўлат ишлаб чиқариш улуши эса 3,9% га ўсди (4-жадвал).

4-жадвал

2021 йилда пўлат ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар рейтинги[10]

2020 йилда эгаллаган ўрни	2021 йилда эгаллаган ўрни	Мамлакатлар	2021 йилда ишлаб чиқариш ҳажми млн. тонна	2020 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, %	Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш, кг (баҳо)	Жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши,%	Пўлат маҳсулотлар экспорти, млн. тонна*
1	1	Хитой	1032,8	-3,0	715,1	52,95	63,7
2	2	Ҳиндистон	118,1	17,7	84,8	6,05	13,4
3	3	Япония	96,3	15,7	764,0	4,94	33,1
5	4	АҚШ	86,3	18,3	258,3	4,41	7,3
4	5	Россия	76,0	6,1	520,9	3,90	29,5
6	6	Жанубий Корея	70,6	5,2	1376,1	3,62	30,0
7	7	Туркия	40,4	12,8	475,1	2,07	19,7
8	8	Германия	40,1	12,3	477,9	2,06	24,1
9	9	Бразилия	36,0	14,6	168,2	1,85	12,7
10	10	Эрон	28,5	-1,7	335,2	1,46	1,1
-	-	Ўзбекистон	1,0	42,6	28,4	0,05	0,1

Ҳиндистон сўнги уч йил давомида пўлат ишлаб чиқарувчилар орасида иккинчи ўринни эгаллади. 2021 йилда 2020 йилга қараганда у пўлат ишлаб чиқаришни 17,7%га оширди[10]. Ишлаб чиқариш ички талаб ва экспорт ҳисобига ошди. Мамлакатда пўлатнинг ички истеъмоли йил давомида 3,5% га, экспорт - 22,6% га ошди. Бироқ, йилнинг иккинчи ярмида бошқа Осиё мамлакатлари ҳисобига кучайиб бораётган рақобат сабабли мамлакатда ишлаб чиқариш динамикаси ёмонлашди.

Япония 2018 йилнинг ўзида учинчи ўринга тушиб кетди. 2019 йилда мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми 5 млн. тоннага камайиб, дунёдаги энг катта салбий кўрсаткични ташкил қилди. Пасайиш йил давомида экспортнинг 7,5 фоизга, яъни 33,8 млн. тоннагача камайиши, импортнинг эса 3,9 фоизга, яъни 8,7 млн. тоннагача ошиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, 2019 йилнинг биринчи ярмида рўй берган кучли тўфон сабабли бир нечта заводлардаги ишнинг издан чиқиши ҳам мамлакатдаги ишлаб чиқариш динамикасига таъсир кўрсатди.

2021 йил АҚШ тўртинчи ўринни эгаллади. 2019 йилда Қўшма Штатларда пўлат ишлаб чиқариш 1,5% га ёки 1,3 млн. тоннага ошди. Асосий қўшимча ўсиш йилнинг биринчи ярмига тўғри келади, иккинчи ярмида эса пасайиш бошланди. АҚШда ишлаб чиқаришнинг ўсишига асосан 2018 йилда мамлакатга етказиб бериладиган пўлатнинг катта қисмига 25% импорт божининг киритилиши сабаб бўлди, бу импортни камайтирди ва маҳаллий металлурглари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ундади.

РИА Рейтинг экспертларининг фикрича, 2022 йилда жаҳон пўлат ишлаб чиқариш ҳажми беш йил ичида илк бор камайиши мумкин[11]. Сўнги уч йил ичида қузатилаётган паст талаб пўлат истеъмол қилувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ёпилишига олиб келган коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодийётига таъсири билан янада жиддий тус олмоқда.

Россия ишлаб чиқаришни 0,8 фоизга ёки 0,5 млн. тоннага қисқартириб, мазкур рейтингда бешинчи ўринни эгаллади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши экспортнинг камайиши сабабли рўй берди, шу билан бирга мамлакатнинг ички талаби турли баҳоларга кўра 3-5%га ошди. Бироқ, ишлаб чиқариш пасайишига қарамай, Россия Жанубий Кореяни олтинчи ўринга тушириб юборди. 2018 йилда Россия олтинчи ўринни эгаллашини эслатиб ўтамыз.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, республикамиз металлургия корхоналари учун ривожланиш истиқболларини таърифловчи юқоридаги мисоллар орасида Япония ва АҚШ тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур мамлакатларнинг металлургия корпорацияларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш стратегиясидан фойдаланилади. Самарали диверсификация стратегиясининг қўлланиши ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича юқори даражада фойдаланиш ва ҳатто металл маҳсулотлар таннархини нисбий пасайтириш, корхона ва аҳоли даромадларини ошириш, уларнинг салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш ва савдо тармоғини яратиш имкониятини беради.

Маҳаллий металлургия тармоғида стратегик хўжалик юритиш марказларини яратиш зарур бўлиб (АҚШ мисолида бўлгани каби), шу асосда маҳаллий металлургия корхоналарининг ташкилий тузилмаларини, мустақил технологик жараёнларга асосланган ички бизнес бирликларини ташкил этиш орқали янада номарказлашган шаклларга ўзгартириш мумкин, бу эса бир қатор ижобий натижаларга олиб келиши мумкин [12]:

- корхонанинг ҳар бир бўлинмасида мазкур технология асосида максимал синергетик самара берадиган ўз ташкилий маданияти шаклланиб боради;
- ички тадбиркорликнинг мавжудлиги меҳнатга янада катта масъулият билан ёндашишга ёрдам беради;
- бизнес бирликларнинг ташкил қилиниши бошқарув услубини ишчи ва бошқарув жамоаларини шакллантириш асосида ўзгартиришни рағбатлантиради;
- кичик динамик ташкилотларга хос бўлган ва айни вақтда йирик ташкилотнинг синергияси билан уйғунлашган устунликлар вужудга келади;
- молиявий таҳлил элементлари орқали кам ривожланган тармоқларни аниқлаш ва истиқболли тармоқларни рағбатлантириш имконини беради.

Шундай қилиб, хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш олимлар ва саноат ходимларига маҳаллий корхоналарда жадаллаштирилган техник ривожланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишларини янада аниқроқ аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, бошқа мамлакатлар тажрибасини қўллаш давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришни жадаллаштиришдаги замонавий ролини янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради, бу эса мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга ёрдам берадиган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.В. Свиридова, Е.А. Ильина. Подходы к разработке и реализации стратегии развития промышленных предприятий. / Экономинфо. 2019. Т.16. № 2-3. 50-54 бетлар.
2. Кытманов А. В. Финансовая стратегия как фактор устойчивого развития предприятий: автореф. дисс. ... канд. экон. наук. Ижевск, 2005.
3. Вишнякова А. Б. Разработка стратегии устойчивого развития промышленного предприятия: автореф. дисс. ... канд. экон. наук. Самара, 2008.
4. Шестерникова Н. В. Механизм формирования стратегии устойчивого развития предприятия на основе сбалансированной системы показателей // Экономика и финансы. Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. 2008. № 3. 186-193 бетлар
5. Каланова А.Б. Саноат корхоналари барқарор иқтисодий ривожланишининг назарий асослари. Иқтисод ва молия. 2015, № 3. С.33-44
6. Нальгиева Х.Л. Роль планирования в стратегическом менеджменте / Успехи современной науки. 2017. Т. 2. № 4. 24-27 бетлар
7. Савкина Р.В., Мальцева, Е.Г. Особенности стратегического планирования в условиях кризиса / Научный альманах. 2019. № 3-1 (17). 301-307 бетлар.
8. [metals-1h-2019.pdf \(deloitte.com\)](https://www.deloitte.com/ru/insights/industry/metals-1h-2019.pdf)
9. <https://tyulyagin.ru/ratings/strany-lidery-po-proizvodstvu-stali-v-mire.html>
10. http://vid1.rian.ru/ig/ratings/steel_20.pdf
11. <https://riarating.ru/>
12. <https://mariupolpromsnab.com/news/metallurhyia/krupneyshye-proyzyvodytely-staly-v-myre-v-2019-hodu.html>